

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12. 2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВА ИНТИЗОР РУСТАМОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ
ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Рахимова Интизор Рустамовна

Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг
назарий-амалий хусусиятлари3

Рахимова Интизор Рустамовна

Теоретико-практические особенности использования проблемного обучения
на уроках чтения в начальных классах.....20

Rakhimova Intizor Rustamovna

Theoretical and practical features of the use of problem-based learning in reading
lessons in primary school.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works41

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12. 2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВА ИНТИЗОР РУСТАМОВНА

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ
ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1384 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хусанбоева Қундузхон Парпалиевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сафарова Роҳатой Ғайбуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматова Гулшан Аманкуловна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/30.12. 2019.йил.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил "3" декабри куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (821 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил "19" ноябри да тарқатилди.
(2020 йил "19" ноябри даги 5 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Б. Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Қ.У. Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

С. Аширбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги кўпгина давлатларда, хусусан, Англия, Сингапур, Япония, Польша, Россия ва бошқа мамлакатларда ўқитишнинг муаммоли тури бўйича муайян изланишлар олиб борилган ҳамда таълим олувчиларни интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлиши назарий жиҳатдан асосланган. Аксарият олимлар томонидан ўқувчининг муаммоларни ҳал этиш қобилияти замирида уларнинг табиий ақлий имкониятлари ётиши таъкидланган. Муаммоли таълимдан фойдаланиш асносида индивиднинг тафаккури ҳолатга, вазиятга қараб ишлаши, масаланинг моҳияти маълум бўлгач, фикрлашнинг кейинги босқичларига ўтилиши кўрсатилган.

Дунёда таълим олувчиларни билим олишга ҳамда ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжи уларнинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан туғилиши таъкидланган ва бу борада бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олимлар ўқувчи олдига қўйилган муаммони ўзидаги ижодий қобилият, интеллектуал имконият ва ҳаётий тажрибани тўлиқ сафарбар этган ҳолда ҳал этишини илмий-амалий жиҳатдан исботлашган.

Республикамызда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жиҳатдан тараққий топиш, ижтимоий муносабатларда демократик ҳамда инсонпарварлик тамойилларининг устувор бўлишига эришиш юқори ахлоқий сифатларга эга бўлган, муайян соҳа бўйича назарий, амалий билимларни пухта ўзлаштирган, касбий фаолиятида ютуқларга эриша оладиган кадрларнинг тайёрланиши тақозо этилмоқда. Чунки, жамиятнинг ривожини, бевосита таълим-тарбиянинг такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқдир. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармонлари, “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. /Электрон манба: strategy.gov.uz

вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси фанида А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, С.Матжонов, М.Мирқосимова ва бошқаларнинг ҳам ўқитиш жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланиш юзасидан муайян қарашлари мавжуд. Ўзбек олимларидан Ҳусанбоева ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга йўналтириш мақсадида; Р.Ибрагимов бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантириш йўлида; Л.Узоқова ва Қ.Олимовлар махсус фанларни ўрганиш йўналишида; А.Тўраев касб-хунар таълими тизимида муаммоли таълимдан фойдаланиш борасида илмий изланишлар олиб боришган. Миллий адабий таълим методикаси илмида Қ.П.Ҳусанбоева докторлик ишида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда муаммоли таълимнинг ўрни, муаммоли таълим хусусиятлари, унинг фикр мустақиллиги ва маънавий сифатларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида тўхталган. Тадқиқотчи муаммоли таълим, муаммоли вазият, муаммоли топшириқ ёки муаммоли савол, муаммо сингари тушунчаларнинг моҳиятини очиб берган, мактаб адабий таълимида улардан фойдаланиш йўллари бир қатор бадиий асарлар мисолида тавсия этган. Л.П.Узоқова махсус фанлар (тикувчилик)ни ўргатишда муаммоли таълимнинг айрим кўринишларидан фойдаланиш борасида изланишлар олиб борган.

Бошланғич синфларда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш масаласи эса миллий методика илмида алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Мазкур диссертация миллий тарбияшуносликнинг бош мақсадига эришишда бошланғич синфлар адабий таълимини муаммоли ўқитиш асосида ташкил этишнинг илмий-методик асосларини белгилаш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган илк изланишлар маҳсулидир.

Рус тадқиқотчиларидан Л.В.Буланова, И.В.Величко, О.М.Воронина, М.П.Воюшина, Е.В.Гадустова, М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская, Е.Л.Мельникова, Т.Н.Серебренникова, С.М.Сивакова, Н.Ф.Тализина, А.М.Фёдорова, Е.В.Головнева, В.Г.Четвертных, С.В.Юркиналар муаммоли таълимдан бевосита бошланғич синфлар таълимида фойдаланиш йўллари излаганлар.

Жаҳон педагогика илмида ўқитишнинг муаммоли тури бўйича у ёки бу йўналишда: Neys D.C., Vinsent J.P., Hmelo, C. E., Lin X., Lohman M.C., Finkelstein M. (АҚШ); Mc. Parland M., Noble L.M., Livingston G. (Англия); Tan

O. S., Little P., Hee S. Y., Conway J. (Сингапур); Tiwari A., Lai P., So M., Yuen K. (Япония); В.Оконь (Польша); Н.Г.Дайри, М.И.Махмутов, В.Г.Маранцман, Н.М.Мочалова, А.В.Матюшкин, Т.В.Кудрявцев, И.Я.Лернер, Л.Н.Лесохина, Т.Н.Чирковская, А.В.Брушлинский, Л.Г.Вилькеев, Д.В.Вяткин, Н.М.Мочалова, В.И.Прусова, Д.А.Сладкова (Россия)лар илмий изланишлар олиб боришган. Юқорида номлари саналган В.Оконь, М.Махмутов, В.Т.Кудрявцев, В.М.Маранцман, Н.М.Мочалова, А.М.Матюшкин ва И.А.Ильницкаялар тарбияланувчини интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлишини назарий жиҳатдан асослашган. Бундай эҳтиёж унинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан туғилишини таъкидлашган. Ўқувчи олдига қўйилган муаммони ўзидаги ижодий қобилият, интеллектуал имконият ва ҳаётий тажрибани тўлиқ сафарбар этган ҳолда ҳал этишини илмий-амалий жиҳатдан исботлашган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий таълимни ривожлантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синфлар адабий таълимида муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланишнинг илмий-методик хусусиятларини очиб бериш ва қарашларни амалий жиҳатдан далиллашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синфлар ўқиш дарсларини ташкил этишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволини ўрганиш;

бошланғич адабий таълим жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатларини белгилаш;

бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-методик асосларини белгилаш;

ўқиш дарсларида муаммоли вазият ҳосил қилишнинг илмий-амалий йўллари ишлаб чиқиш;

белгиланган мақсад асосида ташкил этилган эксперимент жараёнини таҳлил қилиш ва шу асосда назарий қарашларни далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синфларининг ўқиш дарслари жараёни асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предметини мактаб адабий таълимининг дастлабки босқичи – бошланғич синфларнинг ўқиш дарслари жараёнининг мазмуни, методик шарт-шароитлари, шакллари, воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ-синтез, суҳбат, педагогик кузатиш, анкета, педагогик тажриба, математик статистика таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабиёт ўқитишнинг бошланғич босқичида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ўқувчилар ёши билан боғлиқ педагогик-психологик хусусиятлари, уларнинг ақлий, рухий ва жисмоний, интеллектуал имкониятлари аниқланган;

бошланғич адабий таълимда муаммоли ўқитишга хос бўлган метод ва усуллардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари мисоллар намунасида далилланган;

бошланғич синфлар адабий таълимида муаммоли ўқитишга хос бўлган муаммоли савол, муаммоли топшириқ, муаммоли вазият яратиш сингари дидактик хусусиятлардан фойдаланиш ўқувчилар ақлий камолоти, мустақил тафаккури ва мустақил фаолиятини ривожлантириш омили эканлиги асосланган;

бошланғич синфлар ўқувчиларига мўлжалланган “Ўқиш китоби” дарсликларидан ўрин олган бир қатор бадиий (шеър, ривоят, эртак, ҳикоя сингари) матнларни дидактик таҳлилга тортиш жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланиш бўйича бир қатор муаммоли саволлар ва топшириқлар тақдим этилиб, ўқувчиларни мавжуд муаммо ечими сари йўналтирувчи методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфлар ўқиш дарслари жараёнида муаммоли таълим методидан фойдаланиш йўллари кўрсатилган;

ўқувчиларни муаммоли вазиятга солиш орқали уларни ўрганилаётган асар устида мустақил фикр юритиш, муносабат билдириш, айрим ҳолларда хулосалар чиқариш, ўз қарашларини асослаш ва далиллашга ўргатиш йўллари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, педагогик ва психологик, методик ёндашиш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида адабий тушунчаларни шакллантиришда республикамиз ва хориж олимлари тажрибасига асослангани, тадқиқот вазифаларига мос методлар танлангани, таҳлил ва тавсияларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминлангани; тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти натижалар ва илмий хулосалардан яратилажак ишлар ҳамда соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, ўқув муаммоларини ҳал этишга қаратилган методик ёндашувлар, қарашлар, илмий тавсияларни ишлаб чиқиш; кичик мактаб ёшида адабий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган методик вазиятлар мазмуни, принциплари, шакллари, воситалари, усуллари ва имкониятларини

такомиллаштириш; ўқиш дарсларида бадиий матнлар орқали ўқувчиларни юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар этиб тарбиялаш; ўқиш дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларининг методик, психологик хусусиятлари, мазмуни, воситалари, усулларини бойитишни жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим тизимида педагогика факультетлари талабалари учун “Она тили ўқитиш методикаси” (Ўқиш дарсларини ўқитиш методикаси бўлими), “Бошланғич таълим педагогикаси инновация ва интеграцияси” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини такомиллаштириш; факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва методик тавсиялардан бошланғич таълимда бошқа ўқув фанларини ўқитишда, бошланғич синфлар ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида “Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси” модули бўйича фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари тадқиқи натижалари асосида:

Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятларининг тадқиқи натижасида олинган илмий-назарий хулосалардан БМТнинг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси билан ҳамкорлигидаги “Сифатли таълим принцип ва параметрларини умумтаълим мактабларида қўллашга шарт-шароитлар яратиш” (Создание условий для внедрения в общеобразовательных школах принципов и параметров качественного образования) Ҳамкорлик лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 89-03-3203-сонли маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишга, “Замонавий дарс намуналари” тўплами нашр қилинишида ишлаб чиқилган методикалардан дарс ишланмалар яратишда фойдаланишга эришилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фикрлаш, мантиқий тафаккур, муаммоли саволлар ҳамда муаммоли вазиятлар ечимини топиш даражасининг ўсиш ҳолати аниқланган, барча ўқувчиларнинг муаммоли вазиятлар ечимини топишга бўлган қизиқишлари, уларнинг ижодий тасаввур ва тафаккурининг ривожланиш даражаси ҳамда нутқий даражаси ошган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2497-сонли маълумотномаси). Натижада ихтисослик фанларини ўқитиш, малака ошириш

курслари, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган.

“Ўқиш китоби” дарсликларига киритилган она табиат, атрофимизни ўраб турган олам, ватанамиз тарихи ва бугунги қиёфаси, катталар ва болалар ҳаётидан лавҳалар, меҳнат, истиқлол, дўстлик, тинчлик ва миллий кадриятларимиз билан боғлиқ бир қатор мавзуларнинг дидактик таҳлилида муаммоли таълимдан фойдаланиш бошланғич адабий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 89-03-2497-сонли маълумотномаси). Натижада берилган тавсиялар асосида бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланилганда дарсларнинг натижавийлиги ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириш жараёнининг ошганлиги ўз исботини топган. Мазкур муаммоли ўқитиш методидан фойдаланиш педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими дидактик таъминотини ривожлантириш, педагог кадрларнинг креатив фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва биттаси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, учта боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 176 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби “**Муаммоли ўқитишнинг бошланғич адабий таълимдаги ўрни ва роли**” деб номланади ва у ўз ичига “Замонавий тарбияшуносликда муаммоли таълимнинг ўрни ва ундан фойдаланишнинг психологик, педагогик хусусиятлари” номли биринчи,” “Бошланғич синфлар «ўқиш китоби» дарсликлари таҳлили ва ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати “ номли иккинчи параграфларни қамраб олади.

Бобнинг биринчи параграфиди бугунги таълимнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг инсонийлиги ва инсонпарварлиги, бунда таълим жараёнининг инсонга йўналтирилганлиги, бу жараёнда таълим олаётган ҳар бир ўқувчининг интеллектуал ва жисмоний имониятлари, руҳий ҳолати ҳамда ҳар томонлама ривожланишининг ҳисобга олиниши зарурлиги ҳақида сўз боради. Бу тамойил таълим характерининг ўқувчилар билиш фаолиятидаги шахсий интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда ўзгартирилишини тақозо этади. Бу жараённинг зарурий шартларидан бири ўқитишнинг янги технологиялари ва таълимнинг новаторлик методларидан фойдаланишдир. Методист олимлар бундай ривожлантирувчи таълимда унга муаммоли ёндашилгандагина юқори самарага эришиш мумкинлигини айтадилар.

Муаммоли таълимнинг педагогик хусусиятларидан бири ўқувчи олдида қўйиладиган масалаларнинг қизиқарли бўлишидир. Бу муаммоли таълимнинг билим олишга қўйиладиган асосий талабларидан бири. Бу, айниқса, қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун катта аҳамият касб этади. Қизиқишнинг мавжудлиги шахс психологик фаолиятига ижобий таъсир этади, уни юқори поғонага кўтаради. Тафаккур, хотира, диққат, тасаввур фаоллашганда инсонда кўпроқ ва чуқурроқ билим олиш имконияти пайдо бўлади. Бундай вазиятларда ўқитувчи томонидан қўйиладиган савол-топшириқлар ўқувчининг мустақил ва мантикий фикрлашини талаб қиладиган, уни қизиқтирадиган, туйғуларини мувозанатдан чиқарадиган, руҳиятини кўзғатадиган бўлиши талаб қилинади.

Бундан ташқари, муаммоли йўл билан ўзлаштириладиган маълумотлар янгилиги, бугунги илм-фан, ҳаёт ва бола шахси учун долзарблиги билан ҳам ажралиб туриши, дарсда фикрлар тортишувига, у ёки бу ҳодисанинг ҳаётий ҳамда назарий жиҳатларини таққослашга, атрофдагиларнинг қарашларини қиёслашга қаратилган бўлиши, болани ҳайратга солувчи, унинг ақлига

сифмайдиган жиҳатларга эга бўлиши керак.

Муаммоли таълимнинг асосий шартларидан яна бири ўқувчиларнинг муаммоли вазиятда ҳал этилиши лозим бўлган бош масала нима эканлигини англаб олишларидир. Муаммо англаб олингандан кейин унинг ечими вариантлари кўриб чиқилади ва энг мақбул гоё ёки фикр муаммонинг ечими сифатида қабул қилинади. Ҳар хил фикрлар асносида, ўқитувчи раҳбарлигида муаммонинг ечими топилади.

Параграфда мутахассисларнинг муаммоли таълимга берган таърифлари келтирилган ва унга хос бўлган хусусиятларга асосланилган ҳолда, муаммоли ўқитиш технологиясидан бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида фойдаланиш мақсадида унга қуйидаги шаклда муаллифлик таърифи берилди: **“Таълим жараёнининг ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши лозим деб топилган билимларни, ҳаётий ва бадий ҳақиқатларни унинг ёши, иқтисоди, мавжуд билимлари, қизиқиши ва интеллектуал имкониятларини инобатга олган ҳолда муаммо шаклида қўйилиши назарда тутилган ўқитиш тизими – муаммоли таълим дейилади”**.

Муаммоли таълим ҳақидаги юқоридаги қарашлардан маълум бўладики, бу таълимда асосий ҳолат унда муаммоли вазиятни ташкил қила билишдир. Муаммоли вазият яратишда ўқитувчи ўқувчиларни тафаккур жараёнининг таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, тизимга солиш сингари жиҳатларидан бири ёки бир нечтасидан фойдаланишга йўналтириши лозим бўлади. Яъни улар ўқув материални шунчаки эслаб қолмай, балки тушунчалар юзасидан муайян ақлий операцияларни амалга оширишга ундалади. Шундай ташкил этилган муаммоли вазиятларнинг бирини ҳал этиш учун воқеа, ҳодиса, тушунча ёки қоида таҳлил қилиниши талаб этилса, иккинчиси асосан синтезни – далилларни умумлаштиришни, бошқаси воқеа, ҳодиса ва тушунчаларни таққослашни, яна бири фактларни таснифлашни тақозо этади. Муаммоли вазиятда бундай шакллар муаммоли савол, муаммоли топшириқ тарзида юзага келтирилади. Бунинг учун ўқитувчи муаммоли топшириқларга нафақат далилий, балки мантиқий асосдаги топшириқларни ҳам, фактларни таққослаш, маълумотларни умумлаштириш каби талабларни ҳам киритиши мумкин. Бу ўз-ўзидан ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва интеллектуал имкониятларини инобатга олишни талаб қилади, албатта. Яъни муаммоли вазиятларни таълимнинг қайси босқичида қандай ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бобнинг иккинчи параграфида 1–4-синфларнинг “O‘qish kitobi” дарсликларидан тақдим этилган ўқув материаллари таҳлилга тортилган. “Ўқиш китоби” дарсликларининг дидактик материаллари замирида мустақил мулоҳаза талаб қиладиган савол ёки топшириқлар деярли учрамайди. Буни дарсликлар мисолида қуйидагича асослаш мумкин.

Масалан, 1-синф ўқувчисига мўлжалланган “O‘qish kitobi”² дарслиги мазмунини диссертация мавзуси асосида таҳлилга тортиб шуни айтиш мумкинки, унда ўқувчилардан мустақил мулоҳаза талаб қиладиган, уларни ўйлашга мажбур қиладиган бирорта ҳам савол ёки топшириқ йўқ. Масалан, дарсликда Эзоп қаламига мансуб “Шамол ва Қуёш” масали тақдим этилган (Масал матни диссертациядаги 1-иловада тақдим этилган). Ўқув режасида мазкур матн мустақил ўқиш учун (20 дақиқа) тақдим этилган ва уни ўрганишга бир соат ажратилган³. Асар матни устида ишлаш учун: “Shamol va quyosh nima uchun bahslashib qolishdi? Shamol bahsda nima uchun quyoshdan yengildi? Oliyjanoblik qanday xislat?” (14–15-бетлар) тарзидаги саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қилинган. Масал матнида Шамол ва Қуёш қандай масалада (масалнинг асл матнида бу иккиси “қай биримиз кучлироқмиз” деган масалада тортишиб қолишади) баҳслашиб қолишгани, яъни масалдаги мантиқ, асосий фикр тушириб қолдирилган. Бундан ташқари масал билан боғлиқ: “Масалнинг таъкидлашича, кўпинча куч-қудратдан кўра эътиқод салмоқли самара бераркан” тарздаги яқунловчи қисми: “Qissadan hissa shuki, ko‘p narsaga zo‘ravonlik bilan emas, oliyjanoblik bilan erishsa bo‘ladi” шаклида ўзгартирилган. Масал матнида Қуёшнинг олийжаноблик қилгани ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ ва Қуёшнинг ҳаракатларида олийжаноблик эмас, балки ўз қудратига ишонч хисси ҳамда унинг намоёниши акс этган.

Дарсликда бадиий матнларнинг бу тариқа жўнлаштирилиши ўқувчилар тафаккури ва зукколигининг зидига хизмат қилиши бошқа масала, лекин бу тарздаги савол ва топшириқлар уларни матн мазмунини бевосита такрорлашга мажбур қилади.

Диссертацияда бошланғич таълим тарбияланувчиларига мўлжаллаб яратилган амалдаги “Ўқиш китоби” дарсликларининг барчаси тадқиқот мақсади асосида таҳлил қилинган.

Диссертацияда бобнинг мазмуни асосида бир қатор хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби “**Ўқиш китоби**” дарсликларидаги **бадиий матнларни ўрганишда муаммоли таълимдан фойдаланиш методикаси**” деб номланади. Бобдаги икки параграфдан бири “*Муаммоли ўқитиш бошланғич адабий таълимда ўқувчилар фаоллиги ва таълим самарадорлигини ошириш воситаси*” деб номланади ва унда муаммоли таълимдан бошланғич синфларда фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Бугунги кунда миллий тарбияшуносликда бошланғич синфлар ўқитувчиларига кенг имкониятлар очиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, таълим технологияларини ўзгартирмай,

² G'afforova T. va boshq. O‘qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. / –Т.: Sharq, 2017

³ 2015–2016 о‘қув йили учун 1-синф “O‘qish” fanidan namunaviy yillik mavzuiy rejalashtirish. – Т.: PTM, 2015.

амалиётга инновацион технологияларни жалб этмай туриб мазмунни ўзгартириш, ўқувчиларда етакчи компетенцияларни шакллантириш, уларни жамиятнинг фаол шахсларига айлантиришда кутилган самарага эришиб бўлмайди.

Шу маънода, бошланғич таълимда, хусусан, ўқиш дарсларини ташкил этишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг долзарблиги янада ортиб боради. Кичик ўқувчиларнинг текширувчи-изланувчилик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган методик қўлланмалар яратиш, бошланғич синфлар ўқувчиларини ижодий ривожланишга, изланишга йўналтирувчи топшириқлар тизимини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, уларни мустақил ва мантиқий мулоҳаза юритишга йўналтиришга, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзлигини англашга, изланишга шароит яратиш ва айни замонда, ўқувчиларда ўз кучи ҳамда интеллектуал имкониятларига ишонч ҳиссини шакллантирадиган иш турларини яратишга эҳтиёж катта. Муаммоли таълим ўқитиш кечимидаги мана шу долзарб масалаларнинг максимал даражада ечимига асос бўла олади. Параграфда шулар ҳақида батафсил сўз юритилган.

Бобнинг *“Бошланғич синфлар “Ўқиш китоби” дарсликларида тақдим этилган ўқув материалларини муаммоли таълим асосида ўрганиш йўллари”* деб номланган иккинчи параграфиди: *“Ҳаққа ва унинг болалари”*⁴ эртаги, Т.Адашбоевнинг *“Қиш”* номли шеъри (1-синф); *“Ростгўй бола”* номли эртак, *“Тандир”* ривояти, Миртемир қаламига мансуб *“Уйғон”* номли шеър⁵ (2-синф); *“Ҳалоллик”* номли эртак ва Эркин Воҳидовнинг *“Камтарлик”* шеъри⁶ (3-синф); Мунавварқори Абдурашидхонов қаламига мансуб *“Ҳар ким экканин ўрар”* номли ривоят-шеър ва Анвар Обиджоннинг дарсликка киритилган *“Одобли бўлиш осонми?”* номли адабий эртаги⁷ матни (4-синф) асосида муаммоли савол ва топшириқлар тақдим этилган ҳамда уларнинг ечимини амалга ошириш йўллари методикаси тақдим этилган.

Параграфда муаммоли таълимда фойдаланилганда бошланғич синфлар адабий таълимида самарали бўлган *“Муаммоли метод”*, *“Изланувчи суҳбат”*, *“Қисман изланувчи эвристик суҳбат”*, *“Тадқиқот”* сингари методларнинг хусусиятлари борасида ҳам сўз юритилган.

Диссертацияда бобда илгари сурилган назарий ва амалий қарашлар асосида бир қатор хулосалар ҳам тақдим этилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби ***“Ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш таҳлили”*** деб номланади ва унинг *“Бошланғич синфлар адабий таълимини муаммоли ўқитиш технологиясидан фойдаланиб*

⁴ G'afforova T. va boshq. O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. –Т.: Sharq, 2017. – 113–114-b.

⁵ G'afforova T. va boshq. O'qish kitobi. 2-sinf uchun darslik. – Т.: Sharq, 2018. – 9–12-b.

⁶ Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Т.: O'qituvchi, 2016. – 26–28-b.

⁷ Matchonov S. va boshq. O'qish kitobi. 4-sinfi uchun darslik. – Т.: Yangiyo'lpoligrafservis, 2017. – 107–110-b.

ташкил этишда ўқитувчи компетентлигининг ўрни ва аҳамияти” деб номланган дастлабки параграфда бошланғич синфлар адабий таълимини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишда ўқитувчи шахсий ва касбий компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари борасида батафсил сўз юритилган.

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ташкил этиладиган муаммоли вазиятларда ўқувчилар билимини баҳолашда мутахассислар тақдим этган мезонга маълум ўзгартиришлар (бошланғич синфлар ўқувчиларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда) киритган ҳолда қуйидаги: **“Бадиий асарлар дидактик таҳлили жараёнидаги муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил фаолият ва тафаккур кўлами (билдирилган муносабатнинг батафсиллиги) ва сифати (хулосаларнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги)ни – кичик ёшдаги ўқувчининг муаммоли вазиятлардаги ақлий фаолияти даражасини ўлчаши мезони бўлиб хизмат қилади”** тарзда мутахассислик мезони белгиланган. Кўринадики, муаммоли вазиятга тушиб қолган ўқувчилар фаолиятини баҳолашда фикр ва муносабатларнинг **кўлами** ҳамда **сифати** асос бўлади. Шу икки асоснинг мавжудлиги ва қанчалар бадастирлиги ўқитувчи учун таянч ҳисобланади.

Диссертацияда умумий ўрта таълимнинг дастлабки бўғинида фаолият олиб борадиган ўқитувчиларнинг касбий компетентлигига хос бўлган асосий белгиларни бошқа соҳа мутахассисларига қўйиладиган талабларга таянилган ҳолда қуйидагилар санаб кўрсатилган:

1. Ҳар хил (1–4-синфлар) ёшдаги ўқувчилар билан уларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига таянган ҳолда ишлай олиш.

2. Ўз соҳаси бўйича ўқувчиларнинг ёш психологияси, педагогик имкониятларини англаган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бориш.

3. Амалий фаолиятида инновацион ғоялардан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни ўзлаштириш.

4. Таълим-тарбия жараёнида педагогик қўллаб-қувватлашнинг ҳар хил шаклларида фойдалана билиш.

5. Ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ ташкил этилган ҳар хил танлов, фестиваль ва мусобақаларда иштирок этиш.

6. Ҳар қандай педагогик шарт-шароитларда ўзининг ўқитувчилик маҳоратини намоёниш эта билиш.

7. Мамлакат даврий матбуотида ҳамкасблари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиш ва ҳк.

Бобнинг *“Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёни ва натижаларнинг статистик таҳлили”* деб номланган иккинчи параграфи юқорида илгари сурилган назарий ва амалий қарашларнинг амалдаги тажриба-синов ишлари ва олинган натижалари таҳлили амалга оширилган.

Умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ва кейинги ўзлаштириш натижалари (ўқувчилар сони ва фоизда)

Мактаблар ва ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражаси	Тажриба синфларида		Назорат синфларида	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Урганч тумани мактаблари. Таж.син.–271 Наз. син.–265	Юқори	96 35	165 61	94 35	97 37
	Ўрта	83 31	86 32	85 32	86 32
	Паст	92 34	20 7	86 33	82 31
Самарқанд вилояти Ургут тумани мактаби Таж.син.–217 Наз. син.– 208	Юқори	77 26	113 51	83 40	81 39
	Ўрта	66 53	78 45	64 31	67 32
	Паст	74 21	26 4	61 29	60 29
Тошкент вилояти Зангиота тумани мактаблари. Таж.син.–191 Наз. син.–188	Юқори	70 22	102 44	68 36	73 39
	Ўрта	56 60	67 46	57 30	59 31
	Паст	65 18	22 10	63 34	56 30
Жами: Таж.син.– 679 Наз. син.–661	Юқори	243 36	380 56	245 37	251 38
	Ўрта	205 30	231 34	206 31	212 32
	Паст	231 34	68 10	210 32	198 30

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида тажриба ва назорат синфларидаги ўқувчилар билимларининг ўртача ўзлаштиришларини Стъудент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 1340 нафар ўқувчилар қатнашди. Шундан 679 нафар ўқувчи тажриба синфида ва 661 нафар ўқувчи назорат синфида иштирок этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг

ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфи ўқувчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадвал асосида назорат синфи ва тажриба синфида ўқувчилар ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.


Юқоридаги жадвалдан тажрибадан олдинги ва кейинги тажриба ва назорат синфларидаги натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

1.2-жадвал.


Умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ва кейинги ўзлаштириш натижалари (умумий ўзлаштириш)

Муддати	Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба синфи	679	243	205	231
	Назорат синфи	661	245	206	210
Тажрибадан кейин	Тажриба синфи	679	380	231	68
	Назорат синфи	661	251	212	198

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



1-расм. Тажрибадан олдин



2-расм. Тажрибадан кейин

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик

даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,04	2,05	Тажриба бошида самарадорликка эришилмаган								
2,46	2,08	0,4484	0,6736	1	2	9,27	202,6	90,71	0,05	0,06

Олинган натижалардан маълумки, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидагига нисбатан 12,7% га ошганлигини англатади.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=2,46$; $\bar{Y}=2,08$ $\Delta_x = 0,05$; $\Delta_y = 0,06$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,46 - 0,05}{2,08 + 0,06} = \frac{2,41}{2,14} = 1,13 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,46 - 0,05) - (2,08 - 0,06) = 2,41 - 2,02 = 0,39 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда боб юзасидан маълум хулосалар чиқарилган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликлари замонавий талаблар асосида қайта тузилиши мақсадга мувофиқ.

2. Бошланғич синфлар ўқитувчилари малакасини ошириш тизими модулларини муаммоли таълим, модулли таълим, дидактик ўйинлар, эркин тарбия технологиялари ҳақидаги билимлар билан бойитиш, ўқитувчиларнинг компьютер ва интернетдан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш давр талабидир.

3. Бошланғич синфлар адабий таълимида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга йўналтириш, адабий таълим самарадорлигини таъминлаш,

айни замонда, ўқувчилар маънавиятини соғломлаштириш мақсадида муаммоли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланилганда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг интеллектуал имкониятларини инобатга олиш, қизиқишлари билан ҳисоблашиш муаммоли ўқитишдан самарали фойдаланиш гаровидир.

5. Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичи адабий таълимини самарали, методик жиҳатидан тўғри ташкил этишда диссертацияда тақдим этилган амалий тавсиялардан кўрсатилганидек фойдаланиш ўқитувчиларга бу жараёни тўғри ташкил этиш имкониятини беради.

6. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланилганда унга хос бўлган методларнинг хусусиятларини билиш, методларда қўл келадиган усуллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш бу жараёндан тўғри ва оқилона фойдаланишга асос бўлади.

7. Миллий тарбияшунослик тизимидан бугун маънавий баркамол, ҳар томонлама камолотга интилган, ҳар қандай жамиятда ижтимоий мослашув қобилиятига эга бўлган, меҳнат фаолиятини бошлашга, мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини ривожлантира боришга қодир шахсларни тарбиялаб беришни тақозо этилмоқда. Шу маънода, бугун ўз соҳасини яхши биладиган, эркин-ижодий фикрлай оладиган, рақобатбардош, шахсга талаб ошиб бормоқда.

8. Бошланғич синф ўқитувчилари касбий компетентлигининг ривожланиши – ижодий интеллектининг ортиб бориши, ўз соҳасидаги инновацияларни ўзлаштиришга мойиллиги, ўзгарувчан педагогик вазиятларга мослашувчанлиги билан белгиланади.

9. Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг касбий компетентлилик даражаси тўғридан-тўғри жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади.

10. Олиб борилган эксперимент ишлари умумий ўрта таълимнинг дастлабки бўғини бўлган бошланғич синфлар адабий таълими самарадорлигини таъминлашда муаммоли таълим белгиларидан фойдаланиш мумкин экани ва бу борада яхшигина натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Амалий тавсиялар

1. Бошланғич синфлар ўқувчиларини мустақил ва мантиқли фикрлашга йўналтириш ва бошланғич адабий таълим самарадорлигини таъминлашда муаммоли таълимдан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

2. Бошланғич синфлар ўқувчиларини кичик ёшидан мустақил ва мантиқли мулоҳаза юритишга йўналтиришда бадиий асарлар, дидактик ўйинлар ва суратлардан фойдаланиш билан боғлиқ дарс ишланмалари тайёрлаш соҳа ўқитувчиларига яхши кўмак беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ, СОЗДАННЫЙ НА ОСНОВЕ
НАУЧНОГО СОВЕТА DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ
АЛИШЕРА НАВОИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

РАХИМОВА ИНТИЗОР РУСТАМОВНА

**ТЕОРЕТИКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ПРОБЛЕМНОГО ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ ЧТЕНИЯ В НАЧАЛЬНЫХ
КЛАССАХ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (узбекская литература)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии по педагогическим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.1.PHD/Ped1384.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы им.А.Навои.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([http:// du.uz/ixtisoslashgankengashlar](http://du.uz/ixtisoslashgankengashlar)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хусанбоева Кундузхон Парпалиевна
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Сафарова Рохатой Гайбуллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Маматова Гулшан Аманкуловна
доктор философии по педагогическим наукам (PhD)

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится " 3 " декабрь 2020 года в часов на заседании разового научного совета, созданного на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.fil.19.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: 100100, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрирована за № 921). Адрес: 100100, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44.

Автореферат диссертации разослан « 19 » ноябрь 2020 года.
(протокол рассылки № 5 « 19 » ноябрь 2020 г.).



К.Б.Йулдошев
Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

К.У.Пардаев
Ученый секретарь разового Научного
совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.н

С.Аширбаев
Председатель научного семинара при
разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во многих странах мира, в частности, в Великобритании, Сингапуре, Японии, Польше, России и других, проводились определенные исследования по проблемному обучению было теоретически обосновано, что внутренняя потребность в мотивации обучающихся к интеллектуальной деятельности проявляется в проблемных ситуациях. Большинство ученых утверждают, что в основе способности ученика решать проблемы лежит его естественный умственный потенциал. При использовании проблемного обучения показано, что мышление индивида работает согласно состоянию, ситуации, а когда суть проблемы станет известной, он переходит к следующим этапам мыслительной деятельности.

Подчеркивается, что потребность учащихся во всем мире в получении, а также усвоении знаний проистекает из интереса к пониманию сути стоящей перед ними сложной проблемы и в этом направлении проводится ряд научных исследований. Учеными научно и практически доказано, что ученик может решить поставленную перед собой проблему, полностью мобилизовав свои творческие способности, интеллектуальный потенциал и жизненный опыт.

Социально-экономическое, политическое, культурно-просветительское развитие в республике, приоритет демократических и гуманистических принципов в общественных отношениях требует подготовки кадров с высокими моральными качествами, глубокими теоретическими и практическими знаниями в определенной области, способных добиться успеха в своей профессиональной деятельности. Потому что развитие общества напрямую связано с совершенствованием образования и воспитания. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»⁸ были определены как важнейшие задачи.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4797 «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № ПФ-5538 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием» от 5

⁸Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах / Электронный источник: strategy.gov.uz

сентября 2018 года, УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 08 октября 2019 года и в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В области методики преподавания узбекской литературы в нашей республике А.Зуннунов, К.Юлдашев, С.Матжонов, М.Миркасимова и другие ученые имеют свои воззрения на использование проблемного обучения в учебном процессе. Из узбекских ученых К.Хусанбоева проводила исследования в целях обучения учеников самостоятельному мышлению, Р. Ибрагимов – по формированию познавательной активности младших школьников, Л.Узокова и К.Олимов – в области специальных наук, А.Тураев – по использованию проблемного обучения в системе профессионального образования. В отечественной науке методики преподавания литературы К.П.Хусанбаева в своей докторской диссертации акцентирует внимание на роли проблемного образования в обучении учеников самостоятельному мышлению, особенностях проблемного обучения, его месте в формировании и развитии самостоятельности мышления и духовных качеств. Исследователь раскрывает суть таких понятий, как проблемное обучение, проблемная ситуация, проблемное задание или проблемный вопрос, проблема и предлагает способы их использования в школьном литературном образовании на материале целого ряда художественных произведений. Л.П.Узокова проводила исследования по использованию некоторых форм проблемного обучения в преподавании специальных предметов (шитье).

А вопросы использования технологии проблемного обучения в начальных классах в отечественной методологической науке как отдельное исследование не изучались. Данная диссертация является первой попыткой исследования, направленного на определение научно-методических основ организации литературного образования начальной школы на основе проблемного обучения, изучение его теоретических и практических аспектов в достижении главной цели национальной педагогики.

Русские исследователи Л.В.Буланова, И.В.Величко, О.М.Воронина, М.П.Воюшина, Э.В.Гадустова, М.Р.Львов, В.Г.Горецкий, О.В.Сосновская, Е.Л.Мельникова, Т.Н.Серебренникова, С.М.Сивакова, Н.Ф.Талызина, А.М.Федорова, Э. В. Головнева, В. Г. Четвертных, С. В. Юркина искали

способы использования проблемного обучения непосредственно в начальной школе.

